

# **ТИББИЁТ ХОДИМИНИНГ ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТИГА ТҮСҚИНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ**

Шу билан бирга, охирги пайтларда bemорлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу жараёнда тиббиёт ходимларини bemорларнинг соғлиғи ёмонлашишида ёки ўлимида асоссиз равишда айблаш, шунингдек ҳеч бир сабабсиз шифокорларга ва ўрта тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари юз бермоқда.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги кодексида хизмат вазифаларини бажараётган тиббиёт ходимларига нисбатан қонунга хилоф равишда турли шаклларда таъсир ўтказганлик, шунингдек тиббиёт ходимларининг тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қонуний тиббий фаолиятига түсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри маъмурий жавобгарлик белгиланмаган эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 27 март куни имзоланган “Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига түсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига түсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиловчи янги модда билан тўлдирилди.

Хусусан, мазкур Қонунга мувофиқ тўлдирилган тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига түсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш учун маъмурий жавобгарлик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олиш белгиланди.

Мазкур нормаларнинг белгиланиши келгусида тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олишга, шифокорлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат

Қилади.

**Сурхондарё вилоят суди судьяси**  
**З.Э.Мавлонов**